

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.T/PED.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И.М. Губкин номидаги (МТУ) Россия давлат нефт ва газ
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

АБДРАИМОВА БАРНО БАХТИЯРОВА

**БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(биология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Абдраимова Барно Бахтияровна

Бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностика
методикасини такомиллаштириш3

Абдраимова Барно Бахтияровна

Совершенствование методики педагогической диагностики в подготовке
будущих учителей биологии..... 23

Abdraimova Barno Baxtiyarovna

Improving pedagogical diagnostics technique in training future biology teachers
.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ (МТУ) РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019.T/PED.99.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И.М. Губкин номидаги (МТУ) Россия давлат нефт ва газ
университетининг Тошкент шаҳридаги филиали**

АБДРАИМОВА БАРНО БАХТИЯРОВА

**БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(биология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация И.М.Губкин номидаги (МТУ) Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gubkin.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Магруппов Абдулла Махмудович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳманкулова Наргиз Ходжақбаровна
педагогика фанлари доктори, профессор

Эргашева Гулрухсор Сурхониддиновна
педагогика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси И.М.Губкин номидаги (МТУ) Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.22/30.12.2019.T/Ped.99.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91; факс: (99871) 262-96-63; e-mail: info@gubkin.uz).

Диссертация билан И.М.Губкин номидаги (МТУ) Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй. Тел.: (99871) 262-70-91.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Э.Р. Юзликаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.А. Усманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Э.Р. Юзликаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PHD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамманинг сифатли ва адолатли таълим билан қамраб олиниши, ҳамда бутун умри давомида таълим олишни рағбатлашни 2030 йилгача даврда таълимни барқарор ривожлантириш соҳасида муҳим вазифалар сифатида белгилади¹, ўз навбатида, инновацион таълим жараёнлари ва унинг сифатини баҳолашни такомиллаштириш, олинган натижаларни ташхислар имконини берадиган механизмларни жорий қилиш устувор йўналишлар ҳисобланади. Етакчи илмий марказлар ва таълим муассасалари томонидан бўлажак ўқитувчиларда таълим жараёнини ташхислаш йўли билан таълим сифатини ошириш учун зарур компетенцияларни шакллантириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда дунёда таълимни рақамлаштиришга қаратилган инновацион ривожланишнинг янги моделлари, илғор ғоялар, «ноу-хау» ва «ақлли» технологияларни жорий қилиш долзарб саналади. Бўлажак биология ўқитувчиларини инновацион методик тайёргарлик асосида диагностикаси фаолиятига тайёрлаш, жараёнининг назарий асослари ва методик таъминотини такомиллаштириш мақсад қилиб қўйилган. Бироқ қўйилган вазифаларга тобора самарали эришишни таъминлайдиган технологияларни ишлаб чиқиш диагностика методикалари етишмаслиги сабабли бир мунча кечикияпти. Шу тариқа, таълим фаолиятининг нафақат эришилган, балки кутилаётган, режалаштирилган натижаларини баҳолашни объективлаштириш билан боғлиқ ғоялар алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистонда мустақил ривожланишнинг дастлабки кунларидан таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, норматив-ҳуқуқий ва моддий-техник база тубдан янгиланди, юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича тизимли ишлаш ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида² таъкидлаганидек, “...авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялаш зарур, математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади”. Янги шароитларда ўқитувчи педагогик фаолиятининг замонавий йўналганликлари, баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи бошқариш мезонлари заруратга айланди. Таълим тизимлари, технологиялари, метод ва воситалари, таълим жараёни сифати ва самарадорлигини баҳолаш педагогикада унинг мазмунини тавсифлашнинг янада аниқ, ихчам тилидан фойдаланишни қатъий талаб этмоқда. Ҳозирда маълум бўлган педагогик фактлар эндиликда ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш жараёнини интенсивлашга кўмак

¹ Education 2030 <https://ru.unesco.org/themes/vedushchaya-rol-yunesko-v-realizacii-globalnoy-povestki-dnya-obrazovanie-2030>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - 2010 йил 24 январь.

бермаяпти – ҳозирда миқдорий таҳлил методларидан фойдаланиб, яширин сифат фактларини кашф қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз педагог олимлари томонидан ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик ташхиснинг айрим жиҳатлари мазмун ва моҳияти очиб берилган. Педагогик ташхиснинг тушунчавий-терминологик аппарати асослари У.Бегимқулов, И.Мажидов, Л.В.Голиш, Э.Сейтхалилов, С.Тургунов, Г.Ибрагимова, Б.Рахимов, Н.Эгамбердиева, Э.Юзликаева; педагогик мониторинг масалалари Б.Адизов, Б.Маъмуров, Р.Ш.Ахлидинов, М.Вахобов, У.Иноятов, Г.Каримова, Х.Рашидов, Ж.Толипова, Р.Сафарова, М.Юлдашев Я.Исмадияров; ўзини ўзи назорат ва тематик (мавзуга оид) назорат муаммолари Л.Аристова, Р.Исянов, А.Магруппов, Х.Кадыров, Ў.Толипов, Г.Эргашева³ ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

³ Бегимқулов У.Ш. Олий педагогик таълим тизимида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.доктори дис. – Тошкент: ТДПУ, 2007. – 250 б.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. докт. пед. наук. Т.: 2004, 578 с.; Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. - Т.: Шарк, 2004.-592с.; Магруппов А.М. Совершенствование механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента в системе высшего образования: автореф. дис. докт.пед.наук.-Т., 2017.-72; Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий иждокорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. дис. автореф.-Т., 2012.-46; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Дис.докт.пед.наук. – Ташкент: 2016.; Юзликаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Дис. ... пед. фан. д-ри. – Т., 2012. -320 б.

МДХ мамлакатлари олимлари В.Антипова, Т.Афанасьева, С.Багаев, В.Васильев, В.Зигерт, А.Кучаров, Л.Ланг, Ю.Конаржевский, А.Майоров, В.Симонов, П.Третьяков, Ф.Фоменко; шунингдек узок хориж мамлакатлари олимлари S.Anderson, B.Blum, N.Gronlund, L.Kronbach, R.Linn ва бошқалар томонидан бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш ва уларнинг диагностик фаолияти назарияси ва амалиётининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ташхис фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, олий таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак биология ўқитувчиларини таълим ва тарбия сифати ва самарадорлигини аниқлаш; методик ва дидактик тизимларни баҳолаш; ўқувчиларнинг турли сифатларини ўлчаш; таълим жараёнини таҳлил ва ўз вақтида коррекциялаш бўйича диагностик малакаларини шакллантиришни ўз ичига олган махсус тайёрлаш назария ва амалиётда долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти И.М.Губкин номидаги (МТУ) Россия давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Илмий-таълимий ва илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятини интеграциялаш асосида олий маълумотли кадрларни илгарилловчи тайёрлаш” илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностика методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда модулик, вариативлик, технологиклик ва ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланган педагогик ташхис методикаси ҳолатини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашнинг таълим натижаларини миқдорий методлар ёрдамида ўрганишга қаратилган моделини ривожлантириш;

биология ўқитувчиларини тайёрлаш компонентларини аниқлаш ва унинг самарадорлигини текшириш учун диагностика воситаларини ишлаб чиқиш;

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда “Биологик маданият даражасини диагностикалаш” ва “Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва малакаларини диагностикалаш” модуллари ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг амалий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностика жараёни. Тажриба синовга республикамиз олий таълим муассасаларининг 300 нафар талабаси ҳамда умумтаълим мактабларининг 270 нафар биология ўқитувчиси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностика методикасини такомиллаштириш шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, сўровнома, тест, педагогик тажриба-синов, натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

модуллик, вариативлик, технологиклик ва ўзини ўзи тартибга солиш принциплари ўзаро алоқадорлик даражасини белгилайдиган педагогик диагностика методикаси бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашга компетенциявий талаблар асосида такомиллаштирилган;

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлаш модели даражали ва кўп омили диагностик модулларини интеграциялаш асосида талабалар билим ва малакаларини эксперт баҳолаш параметрлари ўхшашлигини коррекцион таҳлил қилишни киритиш воситасида такомиллаштирилган;

бўлажак биология ўқитувчиларининг диагностик малакаларини ривожланганлик даражасини белгиловчи, диагностик, ахборотли-мотивацияли ва методик йўналишларда ўзаро бир – бирига мос тушадиган, ички ва ташқи омиллар индикаторлари аниқланган;

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашнинг фанлараро тизими “Биологик маданият даражасини диагностикалаш” ва “Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва малакаларини диагностикалаш” модулларини ишлаб чиқиш воситасида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлаш ҳолати таҳлил қилинган, унинг асосий йўналишлари ва таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашнинг методик асослари аниқланган;

бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик ташхис методикаси такомиллаштирилган;

биология ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини текшириш учун диагностик воситалар (инструментарий) ишлаб чиқилган;

“Биологик маданият даражасини ташхислаш” ва “Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва малакаларини ташхислаш” модуллари ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган ва жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, метод ва назарий қоидаларнинг расмий манбалардан олингани, тадқиқот ва ўтказилган тажриба-синов натижалари самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабалар билим ва малакаларини эксперт баҳолаш параметрлари ўхшашлигини коррекцион таҳлили киритиш орқали

биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик ташхис методикаси ва модели қўллангани, биология ўқитувчиларини тайёрлаш самарадорлигини текшириш учун диагностик воситалардан (инструментарий) фойдаланилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсияларнинг бакалаврлар тайёргарлигига малакавий талабларни такомиллаштириш, биология ўқитувчиларини тайёрлашга оид дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, биология ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик ташхис методикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар, ишлаб чиқилган методик ва амалий тавсиялар асосида:

модуллиқ, вариативлик, технологиклик ва ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида такомиллаштирилган бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик ташхис методикасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 89-03-2173 - сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур таклифлар 5110400 - «Биология ўқитиш методикаси» таълим йўналиши малакавий талаблари ва бакалаврлар тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

талабалар билим ва малакаларини эксперт баҳолаш параметрлари ўхшашлигини коррекцион таҳлилни киритиш воситасида такомиллаштирилган бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлаш моделининг амалий самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижаларидан ИТД-1-164 «Кадрларни тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича соҳалараро интеграция мазмунини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 89-03-2173 - сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган ташхис воситалари олий таълим тизимида биология ўқитувчиларини аттестациялашда қўлланиши мумкин;

ишлаб чиқилган “Биологик маданият даражасини ташхислаш” ва “Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва малакаларини ташхислаш” модуллари дастури ва ўқув-методик таъминоти олий таълим тизими педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 июндаги 89-03-2173 - сонли маълумотномаси). Ушбу ишланмалар биология ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёни, унинг ўқув-методик таъминоти, 5110400 ва 5А-110400 - «Биология ўқитиш методикаси»

бакавлариат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги учун ўқув дастурлари ва малакавий талабларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1та дарслик, 1та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган; фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностиканинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида тушунчавий аппарат кўриб чиқилган. Таълим тизимини модернизациялаш шароитида талабалар – бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, талабаларни биологияга оид ўқув материални самарали усулда трансляциялашга ўргатиш, таълим жараёнини яхлит диагностикалаш ва прогнозлаш малакасини шакллантиришдан иборат методик тайёргарлик ҳамма вақт олий таълим муассасасида (ОТМ) биология ўқитувчиси касбий тайёргарлигининг асосий қисми ҳисоблангани таъминланган. Бироқ таълим жараёнининг натижадорлиги таҳлили ҳанузгача статистик ҳисобот маълумотларини англаш ва эпизодик текширишларга асосланганича қолмоқда, бу жорий қилинаётган педагогик янгиликларнинг самарадорлигини сезиларли даражада камайтириб, таълим тизимларини ривожланиш режимига ўтказишни секинлаштирмоқда. Инновацион жараёнларни сифатли бошқариш учун зарур ахборот тизимини педагогик диагностика асосигагина қуриш мумкин.

Ҳозирги кунда зарур методологик аппарат, педагогик диагностика ва илмий-педагогик тадқиқот мантиқи, методларини эгаллаган янги формациядаги ўқитувчини тайёрлаш муаммоси анча кескин ва долзарблигича қолмоқда. Касбий тайёргарлик даражасига талабларнинг

ортганлиги, педагогик меҳнатнинг интенсификациялангани – ҳаммаси ўқитувчи тайёрлашни қайта кўриб чиқиш ва қайта йўналтириш заруратини келтириб чиқарди. Эндиликда нафақат таълимнинг техник ва ахборот-коммуникация воситалари, балки таълим жараёнини илмий асосда бошқариш учун биринчи навбатда зарур бўлган, педагогнинг самарали касбий фаолияти учун шароит яратадиган педагогик ташхис воситаларига талаб ортди, шундай қилиб, таълим жараёнини регламентлаш шакллари ва технологиялари янгиланаётган ижтимоий-педагогик реалаяларга мувофиқлаштирилиши лозим.

Комплекс педагогик диагностика деганда таълим тизимида олиб бориладиган, таълимий фаолиятнинг мавжуд ҳолатини, ундаги қийинчиликлар ва лойиҳалаштирилган мақсадлардан оғишлар, диагноз, прогноз ва коррекциялаш чораларини тезкорлик билан аниқлашга қаратилган кўп аспекти диагностик фаолият тушунилади.

Диагностик фаолиятнинг педагогик йўналганлиги энг яхши натижаларга эришиш учун амал қилиш лозим бўлган дидактиканинг етакчи принциплари амалга оширилишини тақозо қилади. Айни пайтда модуллик, вариативлик, технологиклик ва ўзини ўзи бошқариш принциплари мазкур фаолият учун ўзига хос жиҳатлар ҳисобланади.

«Биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностиканинг технологик воситалари» деб номланган иккинчи бобда биология ўқитувчисининг методик ишлари билан мувофиқлаштириладиган таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида таълим жараёнида амалга ошириладиган диагностик фаолияти ҳақида фикр юритилади. Бундай интегратив фаолият дидактик воситаларни тизимли ўрганиш, таълим жараёнининг салбий томонларини ўз вақтида аниқлаш ва коррекциялаш мақсадида таълим жараёнининг боришини кузатиш, сифат ва миқдорий таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Ўқитувчининг методик ишлар билан мувофиқлаштириладиган диагностик фаолияти деганда таълим ва тарбиянинг тизимли объект ва субъектлари, уларнинг динамикаси ва бевосита ўқув-тарбиявий фаолият давомидаги фаолиятини тушунамиз. Бу фаолият бошқарувнинг педагогик таъсир натижаларини амалдаги меъёр ва мезонлар билан солиштиришга асосланган тартибга солиш фаолиятдан олдин амалга оширилади. Қолаверса, диагностика натижаларидан педагогик жараёнларнинг ривожланишини прогнозлаш, шунингдек, педагогик ҳодисаларни баҳолаш учун уларнинг динамикасини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Педагогик фаолиятнинг диагностик компоненти тизимлилик ва изчиллик, объективлик, ишонччилик ва валидлик, қайд қилувчи ва коррекцияловчи вазифаларнинг бирлаштирилиши, диагностика тизимларининг изчиллиги ва узвийлиги, диагностик методика ва таомилларнинг очиклиги, ташхис методлари ва шаклларини оптималлаштириш, диагностиканинг комплекс характери каби принципларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Ўқитувчининг методик ишлар билан мувофиқлаштириладиган диагностика фаолиятининг мақсади:

Ўз фаолияти ҳамда ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида режалаштирилган ўсиш параметрларига эришиш йўлидаги ўқув-билиш фаолиятини таҳлил ва ўз вақтида коррекция қилиш;

педагогикада миқдорий методларни жорий қилиш ва оммалаштириш;

тадқиқотнинг миқдорий методларини қўллаш ёрдамида аниқлаш мумкин бўлган яширин, аввал маълум бўлмаган педагогик фактларни аниқлаш;

педагог ва ўқувчиларнинг таълим жараёнида биргаликдаги диагностика-методик фаолиятига асосланган ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш. Бунда ўқиш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг умумий ишига айланади.

Ўқитувчи диагностика фаолиятинини юқорида баён қилинганидек унинг методик ишлари билан мувофиқлаштрилган тарзда, мазкур фаолиятнинг белгиланган принцип, йўналиш, мақсад ва вазифалар билан жамликда тушуниш унинг назарий моделини қуриш учун концептуал асос бўлиб хизмат қилди (1-расмга қаранг).

Модель ўрганилаётган иккилик фаолиятнинг ўқув материали бирлигини ўрганиш вақти билан регламентланадиган унинг мунтазамлигини таъминлайдиган таъқиқлик характерини таъкидлайди. Ўрганилаётган фаолиятнинг кўнгилдаги (кутилган) натижага эришгунга қадар бир неча марта такрорланадиган тўлиқ цикли тартибга солишнинг бошқарув циклини ўз ичига олади. Унинг амалга оширилиши имкониятини таъминлайдиган шарт-шароитларни гипотетик даражада аниқлаш фаолият тизимини моделлаштиришнинг концептуал жиҳатлари сирасига киради.

Педагогик диагностикага асосланган мунтазам методик фаолиятнинг амалиётда жорий қилиниши қўйида келтирилган бир қатор шартларга риоя қилинсагина мумкин бўлади:

педагогика ОТМ талабалари ва ўқитувчиларини махсус курслар, мажбурий фанлар, малакавий ишлар орқали диагностика фаолият методлари ва усулларига ўргатиш;

педагогика ОТМ талабаларини ўқитиш ва ўзига ўзи таълим бериши учун методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;

диагностик ишчи қуролларни (ишчи дафтарлар, хариталар, схемалар, диагностика линияларни) яратиш ва ўқитувчиларни улар билан таъминлаш;

технологик диагностика модуллар банкни яратиш ва унинг барча ўқитувчи, амалиётчилар учун очиклиги;

таълим муассасалари маъмурияти томонидан ўқитувчиларни диагностика модулларни қўллаган ҳолда диагностика фаолиятга киришишини рағбатлаш.

Диагностика мақсадларини аниқ белгилаш диагностика тизимларга қўйиладиган асосли талаб ҳисобланади. Билиш субъектининг турли тавсифлари, хоссаларининг мавжудлиги бундай мақсадларнинг кўп бўлишини белгилайди. Таъкидламоқчимизки, муддати узайтирилган кузатув учун мақсад(лар)ни аниқ белгилаш талаб қилинади, чунки акс ҳолда диагностикалаш натижаларини қиёслаш жараёни қийинлашади (ёки мумкин

бўлмай қолади). Шу сабабли ҳар бир диагностик тизим ўз вазифасига эга бўлиш лозим (нима учун мўлжалланган, диагностика мақсад(лар)и), ушнад тизимнинг барча модификацияларининг вазифалари билан боғлиқ бўлади.

Айнан битта диагностик мақсад учун турли диагностика методлари тўғри келиши мумкин. Чунончи, ўқувчиларнинг ўқимишлилиги (ўқитилганлиги) даражасини тест, оғзаки сўраш, ёзма иш ва ш.к. методлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Маълум диагностик тизимни воситалар (инструментлар) нинг йиғиндиси сифатида конструкциялаш қўйилган мақсад(лар)га адекват бўлган муайян диагностикаларни кўрсатишни талаб қилади. Диагностикага ўлчов қурилмаларига, жумладан ўлчов шкалалари ва баҳолаш процедураларига қўйиладиган талаблар қўйилади. Умумий талаб эса диагностикалар ва уларнинг ўлчов процедураларини стандартлаштиришдан иборат бўлади.

Мунтазам диагностика тизимлари «ўқитувчи-ўқувчи» ҳамда «диагностика-тартибга солиш» (ДТ) каби қисмлардан иборат. Агар диагностик тизим жараённинг боришини кузатиш имконини берса, мунтазам диагностика тизими уни тартибга солиш йўли билан жараёнга аралаштиришга йўл қўяди. Диагностикалаш натижалари динамик қаторларни қуриш имконини берса, тартибга солиш режалаштирилган натижага эришиш имконини беради. Тартибга солиш қутилган натижа(лар)га эришиш мақсадида таъсир кўрсатиш мумкин бўлган маълум объектлар билан воситаланган, булар: таълим ҳажми ва мазмуни; ўқув материалининг қийинлик ва мураккаблик даражаси; ўқувчилар билим ва малакаларининг сифати; таълим самарадорлиги.

Диагностикалар маълум хоссаларга эга ва уларни тавсия қилинган вазиятларда амалга ошириш мумкин. ДТ-тизим диагностикалари кўплиги ҳақидаги тахмин табиий, ва шундан бўлиши мумкинки, айнан битта мақсадни амалга ошириш учун бир неча диагностикани лойиҳалаштириш мумкин. Таъкидлаш ўринлики, диагностика ўқув материалини яхши ўзлаштирган, билимларнинг мазкур соҳасида кейинги босқичга муваффақиятли илгарилашга қодир ўқувчилар гуруҳини аниқлаш имконини беради. Қолаверса, муддати узайтирилган текшириш ўз табиатига кўра демократик,объектив, ҳар бир ўқувчига имкон берадиган текшириш ҳисобланади.

Тадқиқотда педагогик диагностиканинг қуйидаги методикалари таклиф қилинди:

1. «Оддийдан мураккабга» даражали диагностика.

Диагностика қатор тартибга солувчи таъсир кўрсатиш чоралари орқали режалаштирилган мураккаблик даражасига эришиш учун мўлжалланган. Тартибга солишнинг асосий механизми – ўқув материалини «оддийдан мураккабга» томон диагностика натижалари асосида «доза»ни ўзгартириган ҳолда «порциялаб» бериш, қолаверса, ўқув материали ҳам ҳажми ва мазмуни, ҳам ўқитиш вақтига кўра вариантланади. Диагностикани лойиҳалаштириш

бўйича ишлар ўқув топшириқлари мураккаблик даражаларини белгилай олишга таянади.

2. «Истикболли мақсадлар» даражали диагностика.

Асосий вазифаси – истикболдаги мақсадларга эришиш. Диагностика даражалари:

Давлат таълим стандарти талабларини қаноатлантирувчи даража;

11-синф битирувчиларига қўйиладиган талабларни қаноатлантирувчи даража;

ОТМ абитуриентларига қўйиладиган талабларни қаноатлантирувчи даража;

креатив даража.

Диагностикани лойиҳалаштириш бўйича ишлар унинг яратувчисидан алоҳида ўқув фанини методик нуқтаи назардан мукамал даражада ўқитиш малакаларини талаб қилади.

3. Кўп омилли диагностик-тартибга солувчи тизимлар.

Ўқитиш ва ўқимишлилик самарадорлигини ташхислаш бу тизимларда ўқувчиларнинг тилга олинган тавсифларини таърифлайдиган омиллар диагностикаси билан бирлаштирилади. Диагностик пунктлар асосий характеристикалар каби уларни белгилайдиган омиллар га ҳам мос келадиган белгиларнинг уйғун бирикувини намойиш этиши лозим. Бунда диагностиканинг бир қисми ўқимишлиликни (ўқитиш самарадорлигини) таърифлаши, унинг бошқа қисми эса қандайдир омилни тавсифлаши (баҳолаши) керак. Бундай тизимлар омиллар ва муайян ўқувчиларнинг ўқимишлилик даражалари (ўқитиш самарадорлиги) ўртасидаги алоқадорлик даражасини аниқлаш учун яроқли бўлиши мумкин. улар кейинги ўқитиш стратегиясини ишлаб чиқиш билан омилли (факторли) таҳлил ўтказиш учун қулай.

Диссертациянинг «**Ўқитувчи диагностик фаолиятининг технологик воситалари ва тажриба-синов натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик диагностика воситалари (инструментарийи), бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда педагогик диагностиканинг такомиллаштирилган методикасини амалда реализациялашнинг асосий босқичлари ва тажриба-синов иши натижалари баён қилинган.

Тадқиқот мавзуси бўйича тажриба-синов иши унинг назарий босқичларида шакллантирилган хулосаларни апробациялашнинг жиҳатлари ҳисобланган учта йўналишда амалга оширилди. Биринчи йўналишнинг вазифаси ўқитувчиларда диагностика ишларига қизиқиш мавжудлиги ва мактабда ўқитувчининг мунтазам методик фаолиятини ташкил қилиш омилларини аниқлашдан иборат бўлди.

Бу вазифани ҳал қилиш учун республикамиз мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар билан иккита анкета сўрови ташкил қилинди. Сўровда 270 нафар ўқитувчи ва 300 нафар талаба иштирок этди. Сўралган 161 нафар ўқитувчининг 60 нафари (37,3%) диагностик фаолият билан шуғулланади. Методик ишлар кўпроқ эпизодик характер касб этади.

Ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик (ташхислаш) ишига тайёрлик даражасини аниқлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талабалари билан сўров ўтказилди. 300 нафар сўралганнинг 249 нафари (83%) фикрича, педагогик ОТМ битирувчилари диагностикасини ташкил қилиш ва олиб бориш учун етарлича тайёргарликка эга эмас ёки мутлақо тайёр эмас.

Ўтказилган иккинчи сўров мактабда ўқитувчиларнинг мунтазам методик ишлари даражасини ўрганишга қаратилди. Натижалар кўрсатдики, ўқитувчиларнинг катта қисми таълим жараёнида мунтазам методик тайёргарликнинг алоҳида элементларидан фойдаланади, тарбия жараёнида эса бу кўрсаткич пастроқ. Аммо сўралганларнинг ярмидан камроғи ўзининг методик фаолиятини мунтазам деб ҳисоблайди.

ДТ-тизим диагностикаларини синаш уларнинг юқорида келтирилган назарий тавсифга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилди.

«Оддийдан мураккабга» даражали диагностикани ишлаб чиқиш ва асослашда қуйидаги фаразлар илгари сурилди:

Диагностика қатор тартибга солиш чораларини қўллаш билан режалаштирилган мураккаблик даражасига эришиш учун яроқли;

у ўқимишлиликни ўлчашда юқори даражада сезгирликка эга, шунингдек, ўқитиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради;

ўқитувчининг кундалик фаолиятида унинг ишончи ва қулай қуроли ҳисобланади.

«Истиқболли мақсадлар» даражали диагностикани ишлаб чиқаётиб:

уни ўқимишлиликнинг истиқболли мақсадларига эришиш (эквививалентлик хусусиятини реализациялаш) учун қўллаш мумкинлиги;

ўқув материалининг (ўқув топшириқларининг) қийинлик даражасини аниқлаш, уларни таснифлаш учун яроқлилиги;

унинг ёрдамида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишга умид боғладик.

Кўп омилли диагностик-тартибга солувчи тизимлар, бизнинг фикримизча:

Билиш фаоллигини ошириш ҳисобига қатъий бўлмаган назорат шароитида ўқитиш самарадорлигини оширишга кўмаклашади;


Ўқув материалининг йирик блоклари бўйича ҳисобот бериладиган таълим жараёнида тобора муваффақиятли қўллана олади.

«Оддийдан мураккабга» даражали диагностикани ўрта бўғин ва юқори синфларда апробациялаш ўспиринлик ва катта мактаб ёшидаги ўқувчилар таянч билим ва малакаларини коррекциялаш талаб қилиниши ҳақида хулоса қилиш имконини берди. Иккинчи босқич тартибга солиш барча бўғин ўқувчилари учун тавсия қилинди, бироқ ўрта бўғин, яъни ўспиринлик ёшидаги ўқувчиларда унга эҳтиёж жуда катта.

«Оддийдан мураккабга» даражали диагностика ўқитувчининг мақсадли ялаш фаолиятини баҳолаш учун етарлича сезгир ҳисобланади.

Ўқитувчининг я-ялаш фаолиятини баҳолаш ўлчови $K_{оқ}$ сифатида коэффициентини хизмат қилади, қолверса $K_{оқ}$ 1 дан қанча фарқ қилса, баҳо шунча паст бўлади.

Ўқитиш самарадорлигининг ортиш динамикаси қуйидаги диаграммалда акс этган (2-расмга қаранг).



2-расм. Таълим самарадорлигининг ўсиш динамикаси

Хулоса тартибга солувчи тизим ўқувчиларни ўқув материалининг айрим блоклари бўйича ўқитиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради «Истикболли мақсадлар» даражали диагностикани апробациялаш қуйидагиларни кўрсатди. Тажриба ва синов гуруҳи ўқувчилари шундай шарт асосида танланди: тажриба гуруҳидаги ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириши назорат гуруҳидагиларникидан сезиларли даражада паст бўлиши керак. Бунда «Истикболли мақсадлар» мақсадли диагностикани қўллаш ўқувчиларнинг умумий ўзлаштиришининг ортишига кўмаклашади» деган ишчи гипотеза қабул қилинди. Диагностика воситаларини тузишда тест ўлчовларининг турли методларидан фойдаланилди.

Лаборатория ишларини бажаришда тажриба ва назорат гуруҳларида умумий саводхонлик қуйидагича кўриниш олди.

1-жадвал

Умумий саводхонлик бўйича ўртача баллар

Гуруҳлар	Ўртача балл	
	Тажриба-синовгача	Тажриба-синовгадан кейин
Тажриба	4,1	4,5
Назорат	4,8	5

Тажриба гуруҳи сифатида биологияни ўзлаштириш ўртача кўрсаткичи (анъанавий баҳо) паст бўлган синф танланди. 1-жадвал маълумотлари далолат берадики, ўқитиш жараёнида «Истикболли мақсадлар» даражали диагностикадан фойдаланганда ўртача ўзлаштириш ҳолатини яхшилаш мумкин. Мураккаб саволларни, уларнинг келиб чиқиш сабаблари билан нисбатлаган ҳолда, таҳлил қилиб чиқамиз; мантиқий тафаккурнинг етарлича ривожланмаганлиги – 19 та хато (36%) хотиранинг етарлича ривожланмаганлиги 2 та хато (4%) эътиборсизлик хато бошқа сабаблар 14 та хато (27%).

Қуйида келтирилган диаграмма барча хатоларнинг тахминан 70% мантиқий фикрлаш ва хотиранинг етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқлигини кўрсатади, уларни ривожлантириш зарур.

Хулоса тартибга солувчи тизим қийин саволлар, ўқув топшириқларини яхши коррекцияланмайдиганлари сифатида ажратиш, диагностик харита ёрдамида уларнинг сонини қайд қилиб бориш ва кумулятив эгри чизик бўйича қийинчиликларни баратараф қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

«Кўп омилли тартибга солувчи тизимлар» диагностикаси 3-курс талабаларига «Биология ўқитиш методикаси» фанини ўқитиш жараёнида апробациядан ўтказилди. Тадқиқот қуйидаги режа асосида амалга оширилди: Тажриба билим ва малакаларнинг ноль кесими (тажриба ва назорат гуруҳларини солиштириш учун ўтказилди) ўқитишнинг биринчи таъсири рағбатловчининг биринчи таъсири ўқитишнинг иккинчи таъсири рағбатловчининг иккинчи таъсири ва ш.к (НГ) тажриба → билим ва малакаларнинг ноль кесими (тажриба ва назорат гуруҳларини солиштириш учун ўтказилди) → ўқитишнинг биринчи таъсири → рағбатловчи шкаланинг биринчи таъсири → 1 диагностика → ўқитишнинг иккинчи таъсири → рағбатловчи шкаланинг иккинчи таъсири → 2 диагностика ва ш.к. Илгари сурилган «махсус лойиҳалаштирилган бир маромда бўлмаган баҳолар шкаласидан фойдаланиш талабаларнинг билиш фаоллигини оширишга кўмаклашади», деган гипотеза, яъни кўшимча рағбат таъсири текширилди.

Дастлаб ноль кесим – анъанавий ёзма назорат иши ўтказилди, унинг мақсади биологияга оид билимлар даражасини аниқлашдан иборат бўлди. Ноль кесим натижалари қуйида келтирилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ноль кесма – назорат иши натижалари

Гуруҳлар	Талабалар сони	Анъанавий баҳо			
		5	4	3	2
Тажриба	42	6	24	9	3
Нazorat	46	4	27	13	2

Маълум бир баҳо частотаси қайд қилиб борилгани сабабли гуруҳларнинг статистик фарқланмаслигини текшириш учун, табиийки мезон

(критерий) дан фойдаланилди. Бунда: $\chi^2_{набл} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_i \frac{(n_1 Q_{2i} - n_2 Q_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}}$.

Бу ерда: n_1 ва n_2 – тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабалар сони ;
 Q_{1i} ва Q_{2i} – назорат ва тажриба гуруҳи i -белгиси частотаси;
 i – белгилар сони.

$$\chi^2_{набл} = \frac{1}{42 \cdot 46} \left[\frac{(42 \cdot 4 - 46 \cdot 6)^2}{10} + \frac{(42 \cdot 27 - 46 \cdot 24)^2}{51} + \frac{(42 \cdot 13 - 46 \cdot 9)^2}{22} + \frac{(42 \cdot 2 - 46 \cdot 3)^2}{5} \right] = 1,32$$

$\chi^2_{крит} = 7,81$ аҳамиятлилик даражаси $\alpha = 0,05$ ва эркинлик даражаси $\gamma = 4 - 1 = 3$ бўлганда

$$\chi^2_{набл} < \chi^2_{крит}$$

Демак, кўрсатилган даражада гуруҳлар статистик фарқ қилмайди. Бошқача айтганда, гуруҳлар тадқиқот ўтказиш учун яроқли.

Тажриба гуруҳида «Кўп омилли диагностик-тартибга солувчи тизимлар» диагностикасида баҳоларнинг рағбатловчисидан фойдаланилди. Қуйида белгилар частоталари келтирилди

- ўқитиш ўртача олганда яхши, ўқитишдан ёмон эмас, (суммар балл \geq Б);
- ўқитиш ўртача олганда “яхши” ўқитишдан ёмон (суммар балл $<$ Б).

Шунга кўра, тажриба ва назорат гуруҳлари рейтинг баҳолари кўрсатилган белгиларга мувофиқ тарзда 2 гуруҳга ажратилди, қолаверса, Б даража тажриба гуруҳи учун 32 баллга назорат гуруҳи учун га тенг бўлди даража семестр давомида ўқув материали устида барқарор ва яхши ишлайдиган талабаларнинг ўзлаштириш қийматларига мувофиқ бўлди. Кесимлар бўйича максимал баҳолар:

ТГ - 5; 5; 10; 20;

НГ - 10; 5; 10; 25.

Ўқув материалнинг маълум қисмини билишни баҳолаш қиймати ҳисоблаш йўли билан, назорат гуруҳида эса талабалар билан келишув асосида танланди. Қуйида белгилар частотаси келтирилади (3-жадвалга қarang).

3-жадвал

Белгилар частотаси

Гуруҳ	Талабалар сони	Суммар (жами) балл \geq Б	Суммар (жами) балл $<$ Б
Тажриба гуруҳи	42	16	26
Нazorat гуруҳи	46	7	39

Демак, эндиликда гуруҳлар статистик жиҳатдан фарқланади, тажриба гуруҳида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар кўшимча рағбатдан фойдаланиб таъминланди, чунки бошқа омиллар тажриба ва назорат гуруҳлари учун амалда бир хил бўлган (ўқитиш айнан битта дастур бўйича ва айнан битта ўқитувчи томонидан амалга оширилган).

Хулоса: таклиф қилинган бир маромда бўлмаган баҳолар шкаласи ҳақиқатан ҳам талабаларнинг билиш фаоллигини рағбатлайди.

